

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНИНГ ГЕОТИЗИМЛАРГА ТАЪСИРИ (МИРЗАЧЎЛ ТАБИИЙ ЎЛКАСИ МИСОЛИДА)

*Холдорова Гулбаҳор Михлибоевна. - Жиззах Давлат педагогика университети
Табиий фанлар факултети География кафедраси доценти, г.ф.ф.д., PhD*

Аннотация: Иқлим ресурсларидан самарали фойдаланиш долзарб масалалар сирасига кириб бормокда. Мазкур мақолада Мирзачўл иқлим омиллари, ёғин миқдори, нисбий намлик, ҳарорат, шамоллар ва уларнинг геотизимларни ўзгаришига таъсири муҳокама этилган бўлиб, ҳудуд иқлими ўрганилган ва таҳлил қилинган. Мирзачўл ландшафтларига шамолнинг таъсири аниқланган ва ҳулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Атмосфера, Жиззах, метеорологик станция, иккиламчи шўрланиш, мелиоратив экспедиция

IMPACT OF CLIMATE CHANGE ON GEOSYSTEMS (EXAMPLE OF MIRZACHOL NATURAL LAND)

*Holdorova Gulbahor Mikhliboevna. - Associate Professor, Department of Geography,
Faculty of Natural Sciences, Jizzakh State Pedagogical University, Doctor of Philosophy,
PhD*

Abstract: Effective use of climate resources is becoming one of the current issues. This article discusses Mirzachol climate factors, rainfall, relative humidity, temperature, winds and their influence on geosystem changes, the climate of the area is studied and analyzed. The impact of wind on the Mirzachol landscapes was determined and conclusions were drawn.

Key words: Atmosphere, Jizzakh, meteorological station, secondary salinity, reclamation expedition

ВЛИЯНИЕ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА НА ГЕОСИСТЕМЫ (НА ПРИМЕРЕ ПРИРОДНОГО РЕГИОНА МИРЗАЧОЛ)

*Холдорова Гулбаҳор Михлибоевна - доцент кафедры географии факультета
естественных наук Джизакского государственного педагогического университета,
доктор философских наук, PhD*

Аннотация: Помощь в эффективном использовании климатических ресурсов становится проблемой. В данной статье ведется бурная дискуссия о климате Мирзачола, области осадков, относительной влажности, постоянном изменении ветров и геосистем, изучен и восстановлен климат местности. Мирзахолландские валы ветра были очищены и сделаны выводы.

Ключевые слова: Атмосфера, Джизак, метеостанция, продолжительность осадков, ветер, температура

Мирзачўл табиий ўлкаси республикаимиз марказида жойлашган бўлиб, ранг-баранг табиати ва жозибадорлиги билан ажралиб туради. Ўлканинг рельефи шимоли-ғарбдан жануби-шарққа кўтарилиб борганлиги сабабли 4 та баландлик минтақа (чўл, адир, тоғ ва яйлов)лари кетма-кетликда алмашилиб келади. Мирзачўл табиий ўлкаси майдони нисбатан кичик (25,5 минг км²) бўлса ҳам тоғ ва текислик, чўл ва сув ҳавзаси ёки бўлмаса табиий ва антропоген ландшафтлар ёнма-ён ҳолда жойлашган ва ўзаро

карама-қаршиликлар таъсирида ривожланаётган ҳудуд ҳисобланади. Бу ҳудуднинг маҳаллий даражадаги геоэкологик муаммоларини ечиш ва бартараф этиш учун, биринчи навбатда, ўлка табиий шароитини комплекс равишда ўрганиш ва мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда амалий таклифлар ишлаб чиқиш зарурдир

Асосий қисм. Мирзачўл иқлими хусусиятига кўра субтропик минтақанинг континентал типига тўғри келади. Маълумки, табиий компонентлар орасида энг муҳим омиллардан бири иқлим ҳисобланади. Иқлимнинг таъсири геотизимларнинг ўзгаришида юқори бўлиб, бунда айниқса, ҳаво ҳарорати ва намлиги, шамол режими ва йўналиши, атмосфера ёғинлари сингари иқлимнинг энг муҳим элементларининг ўрни катта. Мирзачўл иқлимининг шаклланишида энг асосий омил қуёш радиатсияси бўлиб, ушбу омил иқлимшунос олимлар томонидан мамлакатимиз ҳудудини чўл–дашт, тоғ олди, тоғ иқлим зоналарига ажаратилишида ҳам асосий мезон сифатида хизмат қилган. Атмосфера ёғинларининг йиллик миқдори 202-366 мм ни ташкил қилади. Ёғиннинг асосий қисми баҳор ва қиш ойларига тўғри келади. Қолган вақт куруқ бўлиб, ёғингарчилик деярли бўлмайди. Мавжуд атмосфера ёғинлари ҳам бир текисда тақсимланмаган, ҳудуднинг жанубий қисмларида 312-366 мм, шимолий қисмларида 206-300 мм миқдорида тушади.

Мирзачўл иқлимига тавсиф беришда 8 та метеорологик станция ва постларнинг кўп йиллик маълумотларидан фойдаланилди. Мирзачўл шимоли-ғарб томонидан Қизилқум чўли билан ўралганлиги туфайли, ёз ойлари чўлдан иссиқ ҳаво оқимлари келиб туради. Қизилқум чўлининг шарқий қисмида округга яқин жойлашган Оёқоғитма станциясида июль ойининг ўртача ҳарорати 31⁰С, Форишда 29,4⁰С, Жиззахда 28,6⁰С ва Сирдарёда 26,7⁰С. Демак, Қизилқум чўлидан Мирзачўлнинг марказий қисмига қадар июль ойининг ўртача ҳарорати 4,3⁰С га фарқ қилади. Бундай фарқлар май ойидан то сентябрь ойига қадар ҳам кузатилади. (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари Гидрометеорология хизмати маркази маълумотлари, 2021).


Мирзачўл шимол томонидан текислик билан ўралганлиги туфайли, шимолдан Артика-Сибирь совуқ ҳаво оқимлари тўсиқсиз келиб туради. Шу туфайли ҳам декабрь ва январь ойлари ҳаво ҳарорати -34⁰С (Мирзачўл), -32⁰С (Нурота ж/х, Жиззах), -29⁰С (Фориш) гача пасайганлиги кузатилган. Шу билан бирга январь ойининг ўртача ҳарорати -0,1⁰С (Фориш), -0,6⁰С (Жиззах), -1,6⁰С (Нурота ж/х) паст эмас. Бу шуни кўрсатадики, ҳудудда қиш ойларининг илиқ кунлари ҳам кўп бўлади. Баъзан, январь ойида ҳаво ҳарорати +23⁰С га (Машиқудук), +22⁰С (Жиззах) га қадар ҳам кўтарилганлиги ҳам кузатилган.

1-жадвал

Ўртача ойлик ва йиллик ҳаво ҳарорати

Метеостан	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	йил
-----------	---	----	-----	----	---	----	-----	------	----	---	----	-----	-----

ция номи													лик
Чордара	-4,4	-0,2	6,8	14,0	20,7	25,4	28,1	25,8	19,0	11,7	3,9	-0,8	12,4
Сирдарё	-3,2	0,0	7,3	14,7	26,8	25,6	27,0	25,8	18,8	11,5	4,7	-0,4	13,1
Ховос	-0,8	1,8	8,6	16,0	22,2	27,6	29,9	28,3	22,3	14,2	7,7	2,5	15,0
Жиззах	0,3	2,0	8,4	15,7	21,2	26,5	28,1	25,7	20,4	13,6	7,6	2,8	14,3
Дўстлик	0,6	2,2	8,1	16,2	21,3	26,6	28,0	25,6	20,2	13,5	7,4	2,8	14,4
Ғаллаорол	-2,4	-0,3	6,4	13,5	18,6	24,5	26,9	24,6	18,4	11,2	5,0	0,2	12,1



1-расм. Ўртача ойлик ва йиллик ҳаво ҳарорати кўрсаткичи

Мирзачўлнинг ғарб томонидаги Қизилқум чўлида ўртача нисбий намлик 50 % дан кам, июнь, июль ойларида эса 20-23 % га тушади (Оёқоғитма, Машиқудук). Тоғ олди текислиги томон нисбий намлик бироз ошиб боради ва июль ойида Форишда 24 %, Жиззахда 32 % га кўтарилади. Ҳаво ҳарорати 10⁰С дан юқори бўлган кунлар Мирзачўлда 218 кун, Ховосда 226 кун ва Жиззахда 219 кун ҳисобланган. Йилнинг иссиқ ойларида нисбий намлик Мирзачўл станциясида 46 %, Сирдарёда эса 50 % ни ташкил қилади. Ёғин миқдорининг тақсимланиши ҳам Қизилқум ҳудудида шарққа ҳамда тоғга томон ошиб боради. Қизилқумнинг шарқий қисмида Оёқоғитма станциясида йиллик ўртача ёғин миқдори 112 мм, Машиқудукда 137 мм, Нурота ж/х 237 мм, Форишда 366 мм ни ташкил қилади. Демак, Мирзачўл округининг ғарбий қисмида чўл ҳудудидаги ёғин миқдорига нисбатан унинг шарқий қисмига 2,5-3,0 баробар кўп ёғин тушади (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Ўртача ойлик ва йиллик ёғин миқдори, мм

№	Станция	м/б	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	йил
1	Боймурод	184	12	15	20	21	12	5	2	0,5	1	5	8	11	112
2	Машикудук	199	16	18	26	23	13	4	2	0,4	1	6	12	16	137
3	Нурота хўж.	380	20	27	41	40	22	4	0,2	0,3	1	12	34	35	237
4	Фориш	525	38	41	60	47	25	6	1	1	3	19	34	41	316
5	Жиззах	392	45	48	69	56	28	8	1	1	2	21	41	46	366
6	Мирзачўл	276	32	33	48	42	27	9	2	2	3	18	30	30	276
7	Янгиер	224	37	42	63	59	34	9	3	1	3	24	32	33	340
8	Сирдарё	204	41	40	59	50	27	6	2	1	1	24	33	40	324

Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг Гидрометеорология маркази маълумотлари, 2022

Сўзсиз, серёмғир йиллари Мирзачўл табиий ўлкасига Сирдарё, Сангзор дарёси ва Нурота тоғларидаги сойлардан катта миқдорда сув тушиб шўрхок ва ботқоқлар ўрнида кўллар ҳосил бўлган, қурғоқчил йиллари эса улар яна шўрхокларга айланган. Бундай ҳолатни 2017-серёмғир йил билан 2013-нисбатан қурғоқчил йиллар маълумотларини таққослаш йўли билан ҳам кўриш мумкин.

Шамол таъсирида табиий географик районининг шимол ва шимоли-ғарбий ҳудудлари дефляция ҳолатларини вужудга келмоқда. Сабаби, бу ҳудуд чўл геосистемадан иборат бўлиб, тупроқнинг ўсимликлар билан қопланиш даражаси жуда паст. Шамол эрозиясининг олдини олиш учун, шамолнинг йўналишига кўндаланг тарзда ихота дарахтзорлари ташкил қилинади. Мирзачўл табиий географик районининг атрофлари, яъни бироз баландроқ жойларда пўрсилдоқ юпқа қатламли шўрхоклар тарқалган бўлиб, улар устида турли хил шўралар ва бошқа галофитлар ўсган. Бундай эрлар ҳозир ҳам сув ҳавзалари атрофларидаги кичик шўрхоклар ёнларида учрайди.

Мирзачўлнинг шарқий ва шимоли-шарқий томонларидаги ўзлаштирилган ерлардан ер ости сувларининг келиши туфайли Тузкон ва Айдаркўлларда ҳам сув шўрланиши ҳамда ботқоқланиш жараёнлари кучайган.

Хулоса. Мирзачўл табиий ўлкаси иқлими ўрганилиб, ландшафтларига шамолнинг таъсирини аниқлаш натижасида қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди:

- Мирзачўл табиий ўлкасининг шимолий, шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий ҳудудларида ихотазорлар барпо қилиш орқали шамолнинг тезлигини 3-5 м/с га пасайтириш мумкин.

- Мирзачўл табиий ўлкасининг шимоли-шарқий қисмларида шамолнинг тезлигини камайтириш учун кулис методидан фойдаланишни тавсия қиламиз. Сабаби, бу ҳудудлар қишлоқ хўжалиги мақсадида фойдаланадиган ерлар ҳисобланади. Кулис - асосий экинлар орасида

кенглиги 2-4 метр оралиғида баланд пояли (кунгабоқар, маккажўхори, жўхори ва бошқа) ўсимликлар экиб, шамол йўлини тўсувчи тўсиқлар ҳосил қилишдир. Кулис методининг фойдали томони эр бағирлаб ўсувчи экинларнинг шамол таъсирида зарарланиши 20-30 % га камаяди. Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида, қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– иссиқхона газларини камайтириш учун биринчи навбатда йирик ишлаб чиқариш корхоналарини шаҳар атрофига кўчириш, саноат корхоналарида экологик тоза технологияларни жорий этиш ҳамда экологик тоза транспорт воситаларини кўпайтириш, табиий дренаж ҳисобланган кўп йиллик дарахтлар кесилишини мутлақ тақиқлаш;

Мирзачўл табиий ўлкасининг шимолий ва шимоли-ғарбий чўл ҳудудларида шамолнинг таъсирини камайтиришда механик тўсиқлардан фойдаланиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев А.Қ. Қишлоқ хўжалигига агрометеорологик хизмат /Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, №5, 1999, 13-14 б
2. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси // Тошкент: Ўқитувчи 1996 й 182 б.
3. Мирзачўл // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2003. 5-жилд, - 696-697 б.
4. Ғўдалов М.Р. Айдар-Арнасой кўллари тизимининг ландшафтларга таъсири // Г.ф.д. PhD илм. дар. олиш учун тақдим эт. дисс. авт. – Тошкент: 2019. -19 б.
5. Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг Гидрометеорология хизмати маркази маълумотлари, 2021.
6. Холдорова, Г. (2021). Мирзачўлда атроф-муҳитни мониторинг қилиш масалалари. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, (1)
7. Gapparov, A., & Kholdorova, K. (2020). Population Systems In The Reclaimed Lands Of The Republic Of Uzbekistan. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
8. Abdunazarov, U., & Sabitova, N. (2020). Morphological features of buried Soils of loess formations of the prytashkent region of Uzbekistan. *Архив Научных Публикаций JSPI*
9. Хакимов, К. М., Холдорова, Г. М., & Эрматова, Н. Н. К. (2017). Принципы и основные положения номинации географических объектов. *Проблемы современной науки и образования*, (4 (86)).